# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2026 ЙИЛ — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 22 апрель, № 79 (9250) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЖССТ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 апрель куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Адханом Гебрейесусни қабул қилди.**



Ушбу нуфузли ташкилот билан миллий соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда ЖССТ билан ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани таъкидланди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги кенг кўламли ва тизимли ислоҳотлар ташкилотнинг эксперт-маслаҳат кўмаги ҳамда унинг халқаро стандартлари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ҳамкорлик доирасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор стратегик ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Малакали тиббиёт ходимлари тайёрланмоқда, бирламчи тиббий-санитар ёрдам, диагностика ва касалликлар профилактикаси тизимлари такомиллаштирилмоқда, давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилмоқда.

ЖССТ бош директори мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолаб, аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, умр кўриш давомийлигини узайтириш, оналар ўлимини камайтириш ва рақамли тиббиётни ривожлантириш борасида эришилган салмоқли натижаларни алоҳида эътироф этди.

Учрашув якунида фармацевтика соҳасини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасида рақамли ечимлар ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш каби устувор соҳаларда амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда қўшма тадбир ва тадқиқотлар ўтказиш юзасидан келишувларга эришилди.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.*

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан Остона шаҳрига келди.**

Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Ўзбекистон етакчиси 22 апрель куни Минтақавий экологик саммит ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йиғилишида иштирок этади.

**ЎзА.**

## МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ВА СУВ

### хавфсизлигининг янги стратегиялари Остона саммитида белгиланади

*Ўзбекистон Президенти 21-22 апрель кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган Минтақавий экологик саммит ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йиғилишида иштирок этади.*

Тадбирлар давомида Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти йўлида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, долзарб экологик, иқлим ва сув муаммоларига ечим топиш масалалари муҳокама қилинади.

Президентимиз ушбу масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади, миллий павильонлардан иборат махсус экологик кўргазмага ташриф буюради. Саммитлар якунида қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) таъсисчи давлатлари раҳбарларининг ушбу учрашуви алоҳида аҳамиятга эга. Чунки 2027 — 2029 йилларда жамғармага раислик вазифаси Ўзбекистонга ўтиши режалаштирилган. Мамлакатимиз учун бу 1997 — 1999 ва 2013 — 2016 йиллардаги раислик даврларидан кейин тарихда учинчи мандат бўлади.

2023 йилда Душанбе шаҳрида Тожикистон раислигидаги Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилган мажлисда Ўзбекистон етакчиси томонидан муҳим аҳамиятга молик муҳим таклифлар билдирилган эди.

➡ 2

## ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ер ресурсларидан янада самарали фойдаланишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Сўнгги беш йилда мамлакатимизда ер муносабатларини ислоҳ қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ер ажратиш ваколати ҳокимлардан олиниб, ер участкаларини аукцион орқали реализация қилиш тартиби жорий этилди. Шу даврда 616,3 минг гектар ер аукцион орқали ажратилди, бюджетга 1,4 триллион сўм тушум таъминланди.

Энг муҳими, ернинг ҳақиқий эгаси пайдо бўлиши натижасида ҳар бир гектардан олинаётган даромад 3 карра ошиб, 50-60 миллион сўмга етган. Бугун ушбу ерларда ҳар йили 539 триллион сўмлик маҳсулот етиштирилиб, 2,1 миллиард долларлик экспорт амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар ҳам борлиги кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, ерлар аукцион орқали ажратилаётган бўлса-да, ижарачиларнинг ундан фойдаланишдаги мустақиллиги ҳали етарли эмас. Шу сабабли 117,6 минг гектар ер ҳозиргача сотилмасдан турибди.

Шу боис, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага беришнинг янги тизимини қўллаш, жорий йилда яна 100 минг гектар ерни янги тартиб асосида аукционга чиқариш режалаштирилган. Бу борада, айниқса, ердан фойдаланишда иқтисодий рағбатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўтган йили водий вилоятлари, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистонда сотилган ерларда экинларни мустақил жойлаштириш бўйича жорий этилган тажриба яхши самара бергани таъкидланди. Хусусан, 2025 йилда 20 минг гектар ернинг 16 минг гектарида тадбиркорлар ўзлари танлаган юқори даромадли ва экспортбоп экинларни экиб, 150 миллион долларлик экспорт учун замин яратган. Энди ушбу тажрибани кенгайтириш, ердан фойдаланувчиларга янада кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш муҳимлиги қайд этилди.

Саноатлашган плантация ва чорвачилик лойиҳалари учун 50 гектардан 500 гектаргача ер участкаларини аукционга чиқариш, шу асосида жорий йилнинг ўзида ҳар бир вилоятда камида 5 тадан йирик лойиҳаларни бошлаш белгиланди. Ушбу лойиҳалар учун сув ва электр таъминоти харажатларини қоплаб бериш, 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йилгача арзон кредитлар ажратиш, кредит фоиз ставкаларини компенсация қилиб бериш, етиштирилган маҳсулотни қадоқлаш харажатларининг 50 фоизгача қисмини субсидиялаш каби қатор молиявий қўллаб-қувватлаш жорий этилиши таъкидланди.

Тақдимотда ердан юқори даромад олишда илғор хорижий тажрибани, айниқса, чет элнинг замонавий агротехнологияларини кенг қўллаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, бу жараёнда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш лозимлиги қайд этилди.

Хусусан, хорижий инвесторларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага беришнинг тартиби ва шартлари қайта кўриб чиқилади. Бундан буён уларга фақат вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги дирекциялар орқали, инвестиция миқдори камида 10 миллион доллар бўлган лойиҳалар доирасида, яйлов, лалми ва фойдаланишдан чиққан ерларни айланмага қайтариш шарти билан иккиламчи ижарага бериш тартиби қўлланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларини олиш бўйича аукционда фақат маҳаллий деҳқон ва тадбиркорлар иштирок этишини белгилаш лозимлиги таъкидланди. Мудофаа, чегара, тарихий-маданий ерлар ва ўрмон фонди ерлари фақат мамлакатимиз фуқароларига берилади. Айни пайтда ерларни ижарага бериш муддатини барча турдаги ерлар учун, шу жумладан, саноат ва қурилиш лойиҳаларини амалга оширадиган чет эллик инвесторлар учун ҳам 49 йил этиб белгилаш таклиф этилди.

Бугунги кунда қарийб 100 минг гектарга яқин ернинг ижара муддати тугаган. Шу боис, тадбиркорлар ушбу ерларни қайта аукционга чиқармасдан, ижара муддатини узайтириш бўйича қулай ва шаффоф тартиб жорий этиш зарурлигини билдирмоқда. Тақдимотда мазкур жараённи давлат хизматлари марказлари ва электрон платформалар орқали амалга ошириш, кадастр, қишлоқ хўжалиги ва адлия тизимларини ўзаро интеграция қилиш, эътирозлар бўлмаган тақдирда қишлоқ хўжалиги ерлари учун 30 йилгача, ноқишлоқ ерлар учун 49 йилгача узайтириш тартибини жорий этиш таклиф қилинди. Солиқ ёки ижара тўловидан қарздорлик, суд низоси ёки ноқонуний қурилиш аниқланган ҳоллардагина ижара шартномаси янги муддатга узайтирилмаслиги белгиланмоқда.

Шунингдек, ер тоифасини ўзгартириш ва нобудгарчилик тўловларини ҳисоблаш билан боғлиқ жараёнлар ҳалигача қоғоз шаклида юритилаётгани танқид қилинди. Бу эса келишув ва қарор қабул қилиш муддатининг чўзилишига, инвесторлар норозилигига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан барча жараёнларни рақамлаштириш, ердан мақсадли фойдаланиш, сув самарадорлиги ва тупроқ сифати каби мезонлар асосида ердан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш вазифаси қўйилди.

Ерга бўлган ижара ҳуқуқини молиявий восита сифатида кенгайтириш, уни нафақат тижорат кредитлари, балки лизинг, ипотека ва банк кафолатини олиш учун ҳам гаровга қўйиш имкониятини яратиш зарурлиги қайд этилди. Ер участкасини бўш турган ер сифатида ҳисобга олиш тартибини соддалаштириш, ерларни қайта ижарага беришда шартномаларни ҳақ эвазига ёки текинга тузиш мумкинлигини аниқ белгилаш, шундан келиб чиқиб, ер олди-сотдисига оид ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик чораларини қайта кўриб чиқиш таклиф этилди.

Қолаверса, ер назорати йўналишида жавобгарликни кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш учун жавобгарликни фақат суғориладиган ерлар учун эмас, қолган барча турдаги ер участкаларига нисбатан ҳам татбиқ этиш зарурлиги таъкидланди.

Темир йўллари, автомобиль йўллари, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари, сув иншоотлари ва тармоқларини қуриш мақсадларида ерларнинг тоифаси ўзгартирилганда нобудгарчилик тўловидан озод қилиш, ер жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганида тўланадиган компенсация тўловларини солиққа тортмаслик бўйича таклифлар билдирилди.

Келгусида қишлоқ хўжалиги ерлари ижарачиларига ҳудудлардаги 13 та дирекция орқали, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорларга эса 14 та инвестиция компанияси орқали хизмат кўрсатилиши, ушбу ташкилотлар ўз йўналишларида давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасида “кўприк” вазифасини бажариши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ер ислоҳотларини янги босқичга олиб чиқиш, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, тадбиркорлар учун янада очиқ ва тушунарли тизим яратиш, шунингдек, соҳада рақамлаштиришни жадаллаштириш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

## НАРКОТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

*Аввал хабар берганимиздек, 20-21 апрель кунлари “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм марказида “Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотаҳдидларга қарши курашиш” мавзуида глобал форум ўтказилди. Халқаро анжуман якунида Самарқанд декларацияси қабул қилинди.*

**Форум**

Ушбу форум доирасида кеча БМТнинг ёшлар тармоғи вакиллари билан тарихда илк бор Наркотаҳдидларга қарши курашиш бўйича халқаро ёшлар саммити ҳам бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё давлатларидан минг нафарга яқин фаол ёшлар офлайн ва онлайн тарзда қатнашди. Мазкур саммитнинг асосий мақсади минтақа давлатлари ёшлари орасида гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддалар тарқалишининг олдини олиш, наркожиноятларга қарши муросасиз курашни давом эттириш, йигит-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилди.

Тадбирда наркотик воситалар ноқонуний айланмасининг глобал ва минтақавий тенденциялари, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида профилактика тизимини такомиллаштириш, даволаш, реабилитация ва ижтимоий реинтеграция жараёнларини ривожлантириш, рақамли технологиялар ҳамда сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

➡ 2

## ТАЖРИБА АЛМАШИШ ВА ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА

*Жорий йилнинг 21 апрель куни “Марказий Осиё ва Озарбайжон аёллари: устувор вазифалар ва қўшма ҳаракатлар” мавзуида Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон етакчи аёллари мулоқотининг онлайн шаклдаги биринчи мажлиси бўлиб ўтди.*

**Йиғилиш**

Тадбирда Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон Республикаси парламентлари вакиллари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минтақавий тузилмалари раҳбарлари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева тадбирни очиб берар экан, Мулоқотнинг халқаро майдондаги нуфузи изчил ортиб бораётганини, у конструктив ҳамкорлик, илғор тажриба алмашиш ва қўшма ташаббусларни илгари суриш учун муҳим платформага айланганини таъкидлади. Шунингдек, унинг доирасида бугунга қадар 20 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилингани ва қатор амалий ташаббуслар илгари сурилгани қайд этилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотига 2020 йил декабрь ойида Ўзбекистон ташаббуси билан асос солинган. 2021 йилда мазкур платформага Ўзбекистон раислик қилган. Сўнгги беш йилда Марказий Осиёнинг барча давлатларида Мулоқот мажлислари ўтказилиб, долзарб масалалар муҳокама қилинди. Жорий йилда эса Мулоқотга Ўзбекистон яна раислик қилади.

Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви саммитида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг қатнашгани қайд этилди. Бу эса Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотига Озарбайжоннинг қўшилиши учун муҳим омил бўлди.

➡ 2

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ВА ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда саноат хавфсизлиги бўйича муносабатларни тартибга солишга, Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолиятининг ҳуқуқий асосини яратишга, коррупцияга қарши курашиш ишларида маҳаллий Кенгашлар ролини оширишга, Ўзбекистоннинг айрим халқаро битимларга қўшилишини тасдиқлашга қаратилган қонун лойиҳалари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар киритишга доир қонунчиликка таклиф муҳокама қилинди. Шунингдек, айрим вилоятларнинг маъмурий-ҳудудий тузилишига оид масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масалалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталарда, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокамадан ўтказилгани қайд этилди.*

### Қизириқ тумани ҳудудини кенгайтириш таклиф этилмоқда

Депутатлар дастлаб “Сурхондарё вилоятининг Қизириқ ва Жарқўрғон туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида”ги палата қарори лойиҳасини кўриб чиқди.

Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов маъруза қилди.

Таъкидланганидек, таклиф этилаётган чегара ўзгартиришларига мувофиқ, Жарқўрғон туманидан 4 740 гектар ер майдонини Қизириқ тумани таркибига ўтказиш назарда тутилмоқда.

Бу туманларни иқтисодий жиҳатдан бошқариш, 731 та оилада яшовчи 4 230 нафар аҳолининг турмуш шароитларини янада яхшилаш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга замин яратади.

➡ 3

# МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ВА СУВ

## хавфсизлигининг янги стратегиялари Остона саммитида белгиланади

1 Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва институционал механизмларини модернизация қилиш;- устувор минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун инвестиция, технология ва техник кўмакни жалб этиш масалалари бўйича тизимли ҳамкорликни кучайтириш; жамғарманинг ишчи органларига халқаро консультантлар иштирокида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган режалар ишлаб чиқиш; сув ва бошқа табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш маданиятини шакллантириш, махсус дастурни қабул қилган ҳолда, ёшлар ташаббуслари ва стартапларини қўллаб-қувватлаш масалаларида ёшлар билан ишлашни минтақавий даражада ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш каби илғор ташаббусларни илгари сурганди.

1993 йилда асос солинган ОҚХЖ ўтган давр мобайнида минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва шерикликнинг ажралмас механизмига айланди.

2008 йилдан буён БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомига эга бўлган ушбу ноёб платформа сув ресурсларини бошқариш, экологияни соғломлаштириш ва Оролбўйи ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни комплекс тарзда ҳал қилишда ягона минтақавий тузилмага айланди.

Марказий Осиё — сўнгги йилларда иқлим ўзгариши оқибатларига тобора кўпроқ дуч келаётган ва дунёда ундан энг кўп зарар кўриши мумкин бўлган минтақалардан бири. Сўнгги 70 йил ичида Марказий Осиёда ҳарорат Цельсий бўйича 1,5-2 даражага кўтарилди. Бу экологик муаммоларнинг кескинлашувига, музликларнинг эриши ва чўлланишнинг тезлашишига таъсир кўрсатмоқда.

Марказий Осиёда сув ресурслари танқчиллиги ортиб бормоқда. Бугунги кунда 37 миллион нафардан ортиқ одамлар, асосан, сув таъминотининг пасайиши, тегишли инфратузилманинг етарли даражада ривожланмагани билан боғлиқ муаммолар бўлган, сув ресурслари кескин етишмайдиган ҳудудларда яшайди.

Евроосиё тараққиёт банки ҳисоб-китобларига кўра, 2025 — 2030 йилларда минтақа мамлакатлари учун сув ва иқлим инфратузилмасига зарур инвестицияларнинг умумий ҳажми қарийб 29,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Оролбўйи минтақасининг ҳолати вазиятни қийинлаштирмоқда — шамоллар Оролнинг қуриган тубидан ҳар йили тахминан 15 — 75 млн. тонна қум, чанг ва тузни учириб кетади. Бу эса сезиларли масофаларда ҳавонинг сифатини ёмонлаштиради ва бевосита ижтимоий-иқтисодий йўқотишларга олиб келади.

Шу сабабдан ҳам сўнгги йилларда Марказий Осиёнинг минтақавий кун тартибида экологик масалалар тобора устувор аҳамият касб этмоқда. Сув ресурслари билан боғлиқ муаммолар, ерларнинг деградацияси, иқлим ўзгариши, Оролбўйининг ҳолати эндиликда минтақа мамлакатлари томонидан алоҳида эмас, балки минтақанинг умумий барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари контекстида кўрилмоқда.

Минтақа мамлакатларининг иқлим билан боғлиқ халқаро тадбирларда фаоллашганини ҳам таъкидлаш жоиз. Хусусан, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси конференцияларида Марказий Осиё мамлакатлари “5 мамлакат — 1 минтақа — 1 овоз” тамойили остида чиқиш қилиб, иқлим муаммолари бўйича миллий устувор масалалар ва умумий минтақавий ёндашувларни тақдим эта бошлади.

Орол инқирози оқибатларига мослашиш масаласида ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Хусусан, Орол денгизининг қуриган тубининг Ўзбекистон томонида сўнгги 5 йилда 2 млн. гектар ўрмонзорлар барпо этилди, Қозоғистон томонида 1 млн. гектардан ортиқ майдонларда ўрмон-мелиорация ишлари олиб борилди.

Минтақавий ҳамкорликнинг ёрқин натижаларидан бири — Шимолий Оролдаги вазиятнинг яхшиланиши бўлди. Сирдарё бўйидаги сув омборларининг иш тартибини мувофиқлаштириш ва давлатлараро келишувларни бажариш ҳисобига сўнгги уч йилда денгизга 6 млрд. куб метрдан ортиқ сув келиб тушди. Натижада Шимолий Оролнинг ҳажми 2022 йил охиридаги 18,9 млрд. куб метрдан 2025 йил охирида 23 млрд. куб метргача ошди.

Билим алмашинуви ва илмий экологик экспертиза йўналишида ҳам минтақавий ҳамкорлик кенгаймоқда. Ўзбекистонда атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш бўйича Марказий Осиё университетининг ташкил этилиши ушбу ҳамкорликнинг натижаси бўлиб, минтақада шу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва қўшма тадқиқотларни ривожлантириш учун янги майдонга айланди.

Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган минтақавий экологик саммитлар иқлим масаласида умумий мақсадга эришиш йўлидаги яна бир қадам бўлади. Иқлим ва экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича янги ва амалий ечимларни ишлаб чиқиш нафақат Марказий Осиё мамлакатларининг глобал иқлим кун тартибига қўшган ҳиссасини оширишга, балки экотизимлар барқарорлигини таъминлаш, ҳаво ифлосланишини камайтириш, табиий ресурсларни

> *Минтақа мамлакатларининг иқлим билан боғлиқ халқаро тадбирларда фаоллашганини ҳам таъкидлаш жоиз. Хусусан, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси конференцияларида Марказий Осиё мамлакатлари “5 мамлакат — 1 минтақа — 1 овоз” тамойили остида чиқиш қилиб, иқлим муаммолари бўйича миллий устувор масалалар ва умумий минтақавий ёндашувларни тақдим эта бошлади.*

барқарор бошқариш ва устувор равишда сув ҳамда энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий вазифаларни ҳал этишга ҳам хизмат қилади.

Сўнгги йилларда давлатлараро келишувларга қатъий риоя этилиши натижасида турли лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. 2018 йилда БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўптомонлама шериклик асосида траст фондининг ишга туширилиши сиёсий ташаббусларга муҳим қўшимча бўлди. Ўзбекистон таклифи билан ташкил этилган мазкур фонд минтақадаги долзарб ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш учун донорлик ресурсларини бирлаштириш ва халқаро ҳамжамиятни мувофиқлаштиришнинг самарали механизмига айланди.

Шу билан бирга, юртимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Атроф-муҳитни асраш, табиатни яшнатиш мақсади мужассамлашган ушбу лойиҳа доирасида ҳар йили 200 млн. туп кўчат экиш акцияси мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Ўтган даврда 2 минг гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва яшил жамоат парки, 47 та массивда “Янги Ўзбекистон боғлари” барпо этилди. Республиканинг тоғ, чўл ва адирларида 256 минг гектар ўрмон ташкил қилинди. Оролнинг қуриган тубида 2 млн. гектар майдонда яшил қопламали ҳимоя ўрмонзорлари яратилди. Шамол ва қум-чанг бўронлари зарарли таъсирининг олдини олиш мақсадида 33 та туманда 60 километрли “яшил белбоғ” ҳосил қилинди.

2025 йилда Хўжайли, Янгибозор, Ғиждувон, Балиқчи ва Оҳангарон туманларида йилига 5,5 млн. туп манзарали дарахт кўчати етиштириш имконини берадиган замонавий кўчатхоналар ишга туширилди. Бундан ташқари, чўлланишни камайтириш учун Хитой тажрибаси асосида жорий йил илк бор Арнасой, Қоракўл, Муборак, Кармана ва Нукус туманларида 50 гектар майдонда сувсизликка чидамли галофит боғлари яратилди.

Минтақа мамлакатларининг 2023 йилги Душанбе саммитида илгари сурган ташаббуслари Остонадаги музокараларнинг асосий кун тартибини белгилаб беради. Хусусан, Ўзбекистон томони ҳар бир минтақавий лойиҳа бўйича молия ва муддатлар аниқ белгиланган “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, сув тежовчи технологиялар бўйича ҳамкорликни кучайтириш ҳамда Афғонистонни, хусусан, Қўштепа канали таъсирини ўрганиш орқали минтақавий сув мулоқотига жалб этиш ташаббуси билан чиқмоқда.

Йиғилишда Орол денгизи ва унинг ҳавзасидаги экологик вазият, барқарор ривожланиш, озиқ-овқат ва энергия хавфсизлиги борасидаги йирик лойиҳалар кўриб чиқилади. Хусусан, ҳозирда Орол денгизи ҳавзасида 42 та экологик лойиҳа амалга ошириляпти. Шунингдек, Жаҳон банки кўмагида икки минтақавий грант лойиҳасини ишга тушириш масаласига эътибор қаратилади.

Остона саммитлари Марказий Осиё давлатларининг экологик офатга қарши курашда нақадар бирлашганлигини кўрсатувчи кўзгу бўлади. Эскирган суғориш усулларидан рақамли бошқарув тизимига ўтиш, сиёсий ирода ва институционал янгиланишлар минтақавий тинчлик ва фаровонликнинг кафолатидир.

**«Дунё» АА.**

# ТАЖРИБА АЛМАШИШ ВА ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА



1 Тадбирда йил давомида Ўзбекистон раислиги доирасида амалга ошириладиган устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Хусусан, анжуман доирасида тадбиркор аёллар ўртасидаги мулоқотни фаоллаштириш, бизнес-форумлар ташкил этиш, аъзо давлатларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик амалиёти билан ўзаро ўртоқлашиш, шунингдек, парламентлар, ҳукуматлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали тажриба алмашинувини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, май ойида Бухоро шаҳрида ўтказиладиган Осиё хотин-қизлари иккинчи форуми доирасида “Илм-фанда аёллар етакчилиги” мавзуида анжуман ташкил этиш назарда тутилган. Ушбу анжуман давомида Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Озарбайжон аёл-олимлари ўртасида илмий ҳамкорлик ва мулоқот платформасини шакллантириш, шунингдек, қўшма илмий тадқиқот лойиҳалари ҳамда инновацион ташаббусларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, Самарқанд шаҳрида ташкил этиладиган Ёш парламент аъзоларининг 12-глобал форуми доирасида ёш хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган тадбирлар ҳамда Мулоқот мажлисларини ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, илғор тажриба алмашинувини фаоллаштириш ва йил якунида Мулоқот фаолияти натижаларини сарҳисоб қилиш бўйича муҳим йўналишлар белгилаб олинди.

Мажлис иштирокчилари минтақавий ҳамкорликни, ўзаро ишонч ва бирдамликни мустаҳкамлаш, шу жумладан, халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни давом эттириш лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# НАРКОТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

1 Саммитда Ўзбекистоннинг фаол ёшлари ташаббуси билан жорий қилинган “Антинарко” ёшлар фронт-офислари волонтёрлари ҳаракати ҳамда “AI Hackathon” умуммиллий лойиҳасининг интернет тармоғидаги наркодўконларни ва гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш ҳолатларини сунъий интеллект технологиялари ёрдамида аниқлаш ва блоклашга мўлжалланган “QalqonAI”, “Sentinel” ва “NarkoGuard” каби дастурлар намойиш этилди.

Шу билан бирга, “Биз гиёҳвандликка қаршимиз” республика видеороликлар танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

Саммит якунида замонавий наркотаҳдидларга қарши комплекс ёндашувлар ишлаб чиқилиб, Марказий Осиё ёшлари томонидан минтақа давлатларининг соҳага оид фаолиятни олиб бораётган расмийларига йўлланган “Ёшлар мурожаати” қабул қилинди.



### Сўз — халқаро анжуман иштирокчиларига

**Бо МАТИАСЕН,**
**БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ижрочи директори:**

— Бугунги кунда наркожиноятлар ва бу иллат тарғиботида ижтимоий тармоқлар, криптовалюталар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ўзбекистонда эса гиёҳвандликка қарши курашиш, аҳоли, айниқса, ёшларни бу иллатдан асраш борасида давлат томонидан муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистонда ўтган йили алоҳида сервер ташкил этилди ва ушбу турдаги жиноятларни барвақт аниқлаш, олдини олишга эришилмоқда. Ҳукуматнинг фаол иш олиб бораётгани, Марказий Осиё давлатлари билан кенг маълумот алмашилаётгани ва ўзаро ҳамкорлик натижасида гиёҳвандлик моддалари айланмасининг 60 фоизи чегаралардаёқ тўхтатилмоқда. Бундан ташқари, синтетик наркотиклар кўпайишининг олдини олиш, психотроп дори воситаларининг ноқонуний муомаласини чеклаш борасидаги ишлар ҳам диққатга сазовор ва ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш лозим.

**Тедрос ГЕБРЕЙЕСУС,**
**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори:**

— Гиёҳвандлик ва наркотаҳдидлар саломатлик учун жуда катта хавф. Бугунги кунда дунё бўйича тахминан 300 млн. аҳоли гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилади, улар сафига ҳар йили 600 минг киши қўшилмоқда, бу иллатдан қурбон бўлаётганлар сони ҳам йилдан-йилга ошиб бораётир.

Анъанавий гиёҳвандлик билан бирга синтетик наркотик улуши ҳам кўпаймоқда. Бу факт ва рақамлар масаланинг қанчалик кенг қамровли эканини кўрсатади. Энг ёмони, бу иллат дунё халқлари генофондига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, бугун наркотаҳдидларга қарши биргаликда курашиш, куч ва воситаларни сафарбар этиш лозим. Ушбу йўналишда Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор, албатта.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### Сенаторлар — ҳудудларда

# ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Орал Атаниязова Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл туманида бўлиб, ҳудудлардаги долзарб муаммоларни ўрганди.*

Хусусан, Маданият маҳалласида бўлиб ўтган аҳоли билан учрашувда Сенатнинг 14-ялпи мажлисида кўрилган масалалар юзасидан маълумот берилиб, фуқароларнинг мурожаат ва таклифлари тингланди. Хусусан, кучли шамол оқибатида зарар кўрган хонадонларга амалий ёрдам кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар билан ўтказилган мулоқотда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш, ишга жойлашиш имкониятларини ҳамда ижтимоий хизматлар сифатини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Сенат аъзоси 21-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, ёш авлод камолотидаги долзарб масалалар юзасидан педагоглар билан суҳбатлашди. Жумладан, ёшлар, айниқса, қизларнинг репродуктив саломатлиги, соғлом турмуш тарзи ва маънавий тарбия масалаларига урғу берилди.

Шу билан бирга, мактабларда аутсорсинг асосида етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги ўрганилди. Ўрганишлар натижасида бошланғич синф ўқувчиларига берилаётган таомлар тасдиқланган меню талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги аниқланди. Масъулларга камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, мактаб ҳудудида футбол майдончасини барпо қилиш масаласи кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, ушбу лойиҳа 550 нафарга яқин ўқувчилар таълим олаётган муассасада спорт инфратузилмасини ривожлантириш ва маҳалла аҳолисининг жисмоний фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Кўтарилган масалалар сенатор томонидан назоратга олинди ҳамда футбол майдончасини грант асосида молиялаштириш учун парламент ҳузуридаги Жамоат фондига тақдим этиш бўйича ҳуқуқий тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ, ЭКОМАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – УСТУВОР МАСАЛА

*Кеча пойтахтимизда қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Хусусан, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда маслаҳат кенгашлари аъзолари учун хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш масалаларига бағишланган ўқув дастурининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

### Тадбир

Тадбир Олий Мажлис Сенати томонидан Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамда “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова сўзга чиқиб, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, соҳадаги халқаро ёндашувлар ва энг яхши амалиётларни корпоратив муҳитга жорий этиш муҳимлиги ҳақида сўз юритди.

Ўқув курси давомида иштирокчиларга мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, халқаро ҳуқуқий нормалар ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, корпоратив бошқарувда гендер аудити ўтказиш, тизимда “family-friendly” тамойилларини жорий этиш ҳамда хотин-қизларнинг интеллектуал ва касбий салоҳиятини ошириш механизмларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўқув дастури якунида иштирокчилар ўз ташкилотларида инклюзив иш муҳитини шакллантириш ва гендер стратегияларини амалиётда қўллаш бўйича тегишли кўникмаларга эга бўлади.

Шунингдек, Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида уюштирилган “Яшил мода — келажак нафаси” мавзуидаги кўргазмада қатнашди.

Тадбир экологик барқарорликни таъминлаш, мода саноатида атроф- муҳитга зарар етказмайдиган инновацион ёндашувларни кенг тарғиб қилиш ҳамда ёш дизайнерларнинг ижодий ишланмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган.

Очилиш маросимида сенатор бугунги кунда таълим муассасаларида экологик маданиятни шакллантириш ҳамда талабаларни барқарор ривожланиш тамойиллари асосида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Кўргазмада талабалар ва ёш дизайнерлар томонидан яратилган экологик тоза материаллардан тайёрланган кийим-кечак коллекциялари намойиш қилинди. Хусусан, қайта ишланган матолар, табиий толалар ва чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологияларига асосланган дизайнлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир доирасида мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат дарслари ва тақдимотлар ўтказилиб, уларда “яшил мода” концепциясининг аҳамияти, глобал мода саноатидаги экологик муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари муҳокама қилинди.

Кўргазма якунида энг яхши дизайн ишлари ҳамда инновацион лойиҳалар муаллифлари махсус номинациялар бўйича тақдирланди.

**«Халқ сўзи».**

# МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Б. Абдуллаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қашқадарё вилоятида таълим тизимидаги раҳбар ва педагог ходимлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш бўйича белгиланган вазифалар ижросини ўрганмоқда.*

### Ўрганиш

2025 йилдан бошлаб мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларидаги раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларнинг беш йилда бир марта малакасини ошириш тизими жорий қилинди. Педагог кадрлар “onlinedu.uz” махсус электрон платформаси орқали онлайн ҳамда анъанавий тарзда ўз тажрибасини кучайтираётир.

Ишчи гуруҳ Қашқадарё вилоятида раҳбар ва педагог ходимларнинг малака ошириш курсларига жалб қилиниши билан танишди. Жумладан, 2025 йилда Қашқадарё вилояти педагогик маҳорат марказида 12 058 нафар раҳбар ва педагог ходим малака ошириш курсида ўқитилиб, сертификат олган. Жорий йилнинг январь — март ойларида 2 827 нафар раҳбар, педагог ва ходим махсус курсларида ўқитилди.

Вилоятда умумий ўрта таълим муассасалари директорлари учун ҳам ўқув курслари ташкил этилган. Жалб қилинган 97 нафар директорнинг 33 нафари (34 фоиз) ижобий кўрсаткич билан сертификатга эга бўлган, қолган 64 нафар (66 фоиз) иштирокчининг кўрсаткичлари якуний синов натижаларига кўра қониқарсиз топилган.

Шунингдек, умумий ўрта таълим муассасалари директори лавозимига номзодлар учун ташкил этилган менежерлик ўқув курсларига қабул қилинган жами 301 нафар тингловчидан 127 нафари (42,2 фоиз) ижобий натижа билан курсни тамомлаган бўлса, 174 нафари (57,8 фоиз) курсни муваффақиятли тамомлай олмаган.

Ишчи гуруҳ Қарши шаҳри ва Шаҳрисабз тумани мактабларида бўлиб, раҳбар ва педагог ходимлар билан суҳбатлашди, уларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлари билан танишди.

Вилоятдаги педагогик маҳорат маркази фаолияти билан ҳам танишилди. Унда раҳбар ва педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги ишлар бугунги кундаги янги авлод дарсликлари ҳамда миллий ўқув дастури талабларига қанчалик мослиги ўрганилди.

Ўрганиш якунлари қўмита ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида муҳокама қилинади.

**«Халқ сўзи».**

**Президентимиз қарорига кўра, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани ҳудудининг 100 гектар ер майдонида Машинасозлик саноат зонаси ташкил этилади.**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ВА ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

1

Мажлисда чегараларга ўзгартиришлар киритиш масаласи тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари, халқ депутатлари Қизириқ ва Жарқўрғон туманлари Кенгашлари ҳамда вилоят Кенгашида муҳокама қилиниб, чегараларнинг картографик чизмаси ва чегаралар чизиғининг таснифи маъқуллангани қайд этилди.

Халқ вакиллари ушбу масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Актам ҲАИТОВ,**
**ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:**



*— Мазкур қарор билан Жарқўрғон туманидан Қизириқ туманига ўтказилаётган ер майдони, аввало, шу ерда яшовчи аҳолининг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Қизириқ тумани ҳудудининг кенгайиши эса яйлов ерларидан самарали фойдаланиш имконини яратади. Яъни мазкур ўзгаришлар чорвачилик ва бошқа тармоқларни жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради.*

Сурхондарё вилоятининг табиий ва иқлим шароити бу борада катта устунликка эга. Янги ўзлаштириладиган ер майдонларини кам таъминланган оилаларга ажратиш, полиз ва сабзавотчиликни ривожлантириш орқали йилига 1,2 минг тонна маҳсулот етиштириш режалаштирилмоқда.

Мазкур масала юзасидан қарор лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

## Зарафшон шаҳри чегараси ўзгарадими?

Мажлисда "Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри ва Томди тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги палата қарори лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, чегараларга киритилаётган ўзгартиришлар билан Навоий вилоятининг Томди туманидан 2 459 гектар ер майдони Зарафшон шаҳри таркибига ўтказилиши белгиланмоқда.

Зарафшон шаҳрининг истиқболли режаси ишлаб чиқилиб, уй-жойлар, саноат, ижтимоий соҳа ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилади. Жумладан, узоқ муддатли бизнес-режага асосан ҳудудда 250 дан ортиқ саноат ва ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш, 90 та ижтимоий соҳа объекти, 500 дан ортиқ савдо-маиший ва хизмат кўрсатиш нуқталари барпо этиш режалаштирилган.

Мажлисда чегараларга ўзгаришлар киритиш масаласи тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари, шунингдек, халқ депутатлари Зарафшон шаҳри ва Томди тумани Кенгашлари ҳамда вилоят Кенгашида муҳокама қилиниб, чегараларнинг картографик чизмаси ва чегаралар чизиғининг таснифи маъқуллангани қайд этилди.

Мунозараларда ушбу масала юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Абдушукур ҲАМЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:**



*— Куни кеча ушбу масалани фракцияда чуқур таҳлил қилдик, мутасаддиларга кўплаб саволлар бердик. Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Зарафшон шаҳрини кенгайтириш масаласи стратегик асосланган ва комплекс ёндашув доирасида амалга оширилмоқда. Бу қарор нафақат ҳудудий ўзгариш, балки иқтисодий трансформация учун муҳим қадамдир. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодий база — ривожланиш учун мустаҳкам асос бўлади.*

*Ўз навбатида, фракциямиз томонидан янги барпо этиладиган барча лойиҳаларга экологик ёндашув асосий тамойил бўлиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган ҳолда, бу борада ўз тавсияларимизни бердик.* Мазкур масала юзасидан қарор лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

## Аҳоли ва атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлашга оид муҳим талаблар

Депутатлар хавфли ишлаб чиқариш объектларининг ва потенциал хавфли объектларнинг саноат хавфсизлиги бўйича муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилди.

Ушбу ҳужжат саноат хавфсизлигига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектлари билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи субъектларнинг масъулиятини оширишни назарда тутади.

Қонун лойиҳаси билан инсонларнинг ҳаётига, соғлиғига, мол-мулкига ва атроф-муҳитга хавф туғдириши мумкин бўлган — потенциал хавфли объектлар (лифтлар, юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, травалаторлар, шамол электр станциялари, аттракционлар) хавфсизлигига талаблар қўйилмоқда. Бу ушбу объектларнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш, аҳолига улардан фойдаланишда хавфсиз муҳит яратиш, юз бериши мумкин бўлган авариялар ва уларнинг оқибатида келиб чиқадиган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Лойиҳа билан саноат хавфсизлиги йўналишида янги институт — хизматлар кўрсатадиган эксперт ташкилотлари ҳам жорий этилмоқда. Улар хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларда ихтиёрий асосда амалга ошириладиган саноат хавфсизлигини бошқариш тизимининг аудитини ўтказади.

Қонун лойиҳасида хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлигини бошқариш тизимининг аудити институтини жорий этиш ҳам назарда тутиляпти. Бу орқали эса янги бир тадбиркорлик йўналиши — ихтисослаштирилган хизматлар бозори пайдо бўлади. Тадбиркорларга кенг қулайликлар яратилиб, корхоналарда саноат хавфсизлиги доимий назорат қилиб борилади.

**Раҳматилло ШУКУРОВ,**
**Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси аъзоси:**



*— Мазкур ҳужжатда хавфли ишлаб чиқариш объектида юз берган авария оқибатида инсонларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга етказилган зарар учун жавобгарликни мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта суммаларининг энг кам миқдорини икки баравар ошириш таклиф этилмоқда. Бу фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини кафолатли ҳимоя қилади.*

Муҳокамадан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолиятининг ҳуқуқий асоси

Замонавий дунёда инновациялар ва рақамлаштириш миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида асосий драйверларига айланди. Мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиёт жадал ривожланиб, ахборот технологиялари соҳаси қўллаб-қувватланмоқда. Халқаро IT-компанияларини жалб қилиш орқали экспорт салоҳияти оширилмоқда.

Ахборот технологиялари соҳасининг жадал ўсиши шиддат билан ривожланаётган саноатнинг чақириқларига тезкорликда жавоб бера оладиган, мослашувчан ва илғор норматив-ҳуқуқий базани яратишни тақозо этади.

Бунда бозор иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инвестицияларни жалб этиш ва сунъий интеллект, катта маълумотлар каби илғор технологиялар билан ишловчи резидентлар учун шаффоф ва барқарор қонунчиликни яратиш асосий омил ҳисобланади.

Технологик компаниялар фаолиятини тартибга солувчи пухта ва мукаммал қонунчилик миллий рақамли экотизимни глобал иқтисодий маконга интеграция қилиш имконини беради. Хорижий шериклар учун хавфларни камайтириб, илғор технологияларнинг кириб келишини тезлаштиради.

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўлди.

Қонун лойиҳаси орқали Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолиятини алоҳида ҳудудда махсус қонун билан тартибга солиш таклиф этилмоқда.

Унга кўра, марказ ҳудудида махсус ҳуқуқий режимни яратиш, *(рўйхатга олиш, лицензиялаш ва тадбиркорлик тартиб-таомилларини соддалаштириш, тижорат операцияларини тартибга солишда халқаро стандартларни қўллаш),* мослашувчан солиқ ва божхона тартибини жорий этиш *(2100 йилгача бўлган муддатга айрим фаолият турлари бўйича солиқлардан озод қилиш, асбоб-ускуналар, технологиялар ва материалларни олиб киришнинг соддалаштирилган тартиби)* таклифи илгари сурилмоқда.

Шунингдек, марказ иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш механизмларидан фойдаланиш *(рўйхатга олиш ва бошқариш учун ягона дарча ташкил этиш, интеллектуал мулк ва инвестицияларни ҳимоя қилиш кафолатлари),* давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик йўналишларини белгилаш *(давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг аниқ тартибларини белгилаш, бизнес юритишда маъмурий тўсиқларни қисқартириш)* назарда тутиляпти.

Марказ иштирокчилари учун "ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда низоларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш имкониятлари яратилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.



## Коррупцияга қарши курашишда маҳаллий Кенгашлар роли оширилади

Бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган — халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат мамлакатимизда коррупцияга қарши муросасиз курашиш сиёсатининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлайди.

У билан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлиги ошади. Ҳудудларда коррупцияга қарши курашишда маҳаллий Кенгашларнинг роли ва таъсири ортади.

**Гулдана АВЕЗДУРДИЕВА,**
**Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзоси:**



*— Қонун лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари ва Тошкент шаҳар Кенгашининг раислари Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгаш фаолиятига бошчилик қилиши таклиф этилмоқда. Ушбу норма коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини мустаҳкамлайди. Ва бу борадаги адолатни таъминлайди.*

Лойиҳа билан маҳаллий Кенгашларнинг бошқа ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан белгиланиши назарда тутилмоқда.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

## Ўзбекистон Янги тараққиёт банки тўғрисидаги битимга қўшилади

Депутатлар мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қонун лойиҳаси — Ўзбекистоннинг Янги тараққиёт банки (ЯТБ) тўғрисидаги битимга қўшилиши масаласини муҳокама қилди.

Мамлакатимизнинг мазкур битимга қўшилиши ўзига хос тарихий воқеа сифатида миллий манфаатларни кўзлаган очиқ, прагматик инвестиция сиёсатининг мантиқий давомидир.

Ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон 2014 йилда ташкил этилган мазкур нуфузли молиявий институтга аъзо бўлиш орқали глобал инвестиция жараёнларидаги иштирокини кенгайтиришни мақсад қилган.

Таъкидланишича, ушбу ҳамкорлик иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, замонавий инфратузилмани барпо этиш ва узоқ муддатли имтиёзли молиявий ресурсларни жалб этиш имкониятларини сезиларли даражада оширади.

Янги тараққиёт банки, аввало, ривожланаётган мамлакатларда инфратузилма ва барқарор ривожланиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган бўлиб, унга аъзо давлатлар ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида фаолият юритади.

**Жамол АЧИЛОВ,**
**Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари:**



*— Ўзбекистоннинг Янги тараққиёт банкига аъзо бўлиши миллий иқтисодиётни модернизациялашда муқобил ва имтиёзли сармоялар оқимини таъминлаш имконини беради. Ушбу ҳамкорлик мамлакатимизга халқаро молиявий майдонда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, энергетика, инфратузилма, сув хўжалиги ва транспорт соҳаларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш учун янги имкониятлар эшигини очади. Юртимизда янги корхоналар ва минглаб иш ўринларини яратишга хизмат қилади.*

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Миллий брендларни халқаро ҳимоя қилишда янги босқич

Мажлисда "Келиб чиқиш жой номлари ва географик кўрсаткичлар тўғрисидаги Лиссабон битимининг Женева актига (Женева, 2015 йил 20 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам обдан муҳокама қилинди.

У мамлакатимизда интеллектуал мулкни муҳофаза этиш, миллий маҳсулот ва брендларни халқаро миқёсда ишончли ҳимоя қилиш борасидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Лойиҳа билан Ўзбекистон Республикасининг Лиссабон битимининг Женева актига қўшилиши назарда тутилмоқда. Ушбу халқаро ҳужжат товар келиб чиққан жой номлари ва географик кўрсаткичларни халқаро рўйхатдан ўтказишнинг ягона механизмини белгилайди.

Энг муҳими, ушбу ҳужжат маҳаллий тадбиркорларимизга янги қулайликлар эшигини очмоқда. Энди улар миллий брендларимизни халқаро майдонга олиб чиқишда ортиқча овора бўлмайди ва бекор харажат ҳам қилмайди. Яъни ҳудудларимизга хос, анъанавий ва миллий маҳсулотлар битта талабнома орқали бир вақтнинг ўзида Женева акти иштирокчи давлатларида муҳофазага олиниши мумкин бўлади. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчилар учун қулай, ихчам ва самарали халқаро ҳимоя механизмини яратмоқда.

**Умид ЯКУБХОДЖАЕВ,**
**Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:**



*— Бундай механизм, аввало, Марғилон атласи, Чуст пичоғи, ўузор тандир гўшти каби юртимизнинг ўзига хос ноёб маҳсулотларини халқаро даражада ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг нуфузи ва харидорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Миллий брендларимизни ташқи бозорларда кенг тарғиб этиш, экспорт имкониятларини ошириш, ҳудудий маҳсулотларнинг қўшимча қийматини юксалтириш ҳамда гастрономик туризмни ривожлантириш учун ҳам янги имкониятлар очилади.*

Мажлисда қайд этилганидек, ушбу ҳужжат Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим қадам бўлади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Омбудсман фаолиятига тўсқинлик учун жавобгарлик кучайтирилади

Депутатлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг Омбудсман фаолиятини янада самарали ташкил этишга қаратилган қонунчилик таклифини кўриб чиқди.

Ҳужжат 2024 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонун нормалари ижросини амалда самарали таъминлашга қаратилган. Мазкур қонунда Омбудсманга қўшимча ваколатлар ва таъсир чоралари берилган эди.

Жумладан, Омбудсман инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ташкилотларга ва мансабдор шахсларга огоҳлантириш, тақдимнома, илтимоснома ва талабнома киритиш ҳуқуқига эга. Шу муносабат билан Омбудсман институтининг ушбу янги ваколат ва таъсир механизмларини амалда самарали қўллаш учун ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Лойиҳага мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $197^4$-моддасига Омбудсманнинг тегишли таъсир чоралари киритилмоқда. Яъни мансабдор шахслар томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаслик, унинг ишига тўсқинлик қилиш, унга била туриб ёлғон ахборот бериш, худди шунингдек, мансабдор шахслар томонидан мурожаатларни, хулосаларни, тақдимномаларни, илтимосномаларни, огоҳлантириш ва талабномаларни кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб қасддан ишончсиз маълумотларни тақдим этганлик учун жавобгарлик аниқ белгиланмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар мазкур ўзгартиришлар инсон ҳуқуқларининг ҳимоя механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахслар масъулиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Мажлисда ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

Кўргазма

# «ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТГА МУШТАРАК ЁНДАШУВ

*Пойтахтимизда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан "Eco Expo Central Asia — 2026" халқаро кўргазмасининг тақдимоти ўтказилди. Унда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, дипломатик миссиялар вакиллари, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Халқаро миграция ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Глобал яшил ўсиш институти ҳамда бошқа қатор нуфузли халқаро тузилмалар вакиллари қатнашди.*

Тадбирда Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. Хусусан, ўрмонлаштириш, тоза ҳаво, чиқиндиларни бошқариш ва биохилмахилликни асраш бўйича кенг қамровли миллий дастурлар орқали Ўзбекистон "яшил" иқтисодиёт соҳасида минтақавий марказ сифатида намоён бўлаётгани қайд этилди.

Халқаро кўргазма жорий йил 31 май — 5 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади. Ушбу кўргазманинг ГЭФнинг VIII ассамблеяси билан бир вақтда уюштирилиши унинг глобал аҳамиятини янада ошириб, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов иштирок этди.

**«Халқ сўзи».**

Таҳририят почтасидан

# «БИР ЁНИ ҚУЛАГАН БИНОНИНГ ҚОЛГАНИ БАРДОШЛИМИ?»

*"Халқ сўзи" газетасининг шу йил 14 февраль сонида айни сарлавҳа остида чоп этилган мақолада 2020 йилнинг 23 июнь куни Қарши шаҳрида қурилиши якунланмаган 5 қаватли бинонинг бир қисми қулаб тушиши оқибатида бир ишчи ҳалок бўлганига қарамасдан, кейинчалик бу объектда қурилиш ишлари давом эттирилиб, эндиликда фойдаланишга топширилиш арафасида эканлиги маълум қилинган ҳамда мазкур бинонинг мустаҳкамлиги қайси мезонлар асосида кафолатлангани борасидаги савол ўртага ташланган эди.*



БИР ЁНИ ҚУЛАГАН БИНОНИНГ ҚОЛГАНИ БАРДОШЛИМИ?

Аччиқ, аммо очиқ гап

Газетамизнинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири Жаҳонгир Боймуродов муаллифлигидаги ушбу мақолада кўтарилган масала юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Жасур Жабборов ўз муносабатини билдирди.

Унда маълум қилинишича, Қарши шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 245-уйда жойлашган "Nasaf-Travel" компаниясига қарашли меҳмонхона ва ресторан ҳудудидаги 5 қаватли қўшимча бино қурилишида юз берган фавқулодда ҳолат қурилиш жараёнида амалдаги шаҳарсозлик нормалари ҳамда технологик талабларга риоя этилмагани оқибатида содир бўлган.

Ушбу объектдаги қурилиш-монтаж ишлари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-қарорининг 5-иловаси билан тасдиқланган маъмурий регламентнинг 3-банди талабларига зид равишда хабарнома юборилмасдан амалга оширилган. Ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан буюртмачига белгиланган тартибда огоҳлантириш хатлари берилган ҳамда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш юзасидан ёзма кўрсатма киритилган.

Тошкент шаҳридаги "Зилзилабардош қурилиш" илмий-лойиҳа маркази томонидан бинонинг юк кўтарувчи қурилиш конструкциялари техник кўрикдан ўтказилиб, 2020 йил 3 сентябрда конструкцияларни мустаҳкамлаш бўйича илмий-техник ҳисобот берилган.

Мазкур инструментал-техник текширув натижасига асосан, "Қарши тадқиқот-конструкция" МЧЖ томонидан бинонинг мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, лойиҳа ҳужжатларига 2021 йил 27 октябрда "Expertise Group" МЧЖнинг 959-2021-сонли йиғма ижобий эксперт хулосаси олинган. 2023 йил 19 январда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 68859836-сонли қурилишни бошлаш учун Буюртмачи томонидан юборилган хабарномага асосан, объект қурилиши ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган.

Бугунги кунда мазкур объектда қурилиш ишлари Ҳудудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги назорати инспекцияси томонидан тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга оширилишини таъминлаш юзасидан тизимли давлат назорати ўрнатилган. Хусусан, ўтказилаётган мониторинглар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан берилган мажбурий ёзма кўрсатмалар белгиланган муддатларда бажарилмаганлиги сабабли объектга бириктирилган техник ва муаллифлик назоратчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 99-моддаси талабларига асосан маъмурий чора қўлланилган.

Ҳозирги кунда пудратчи "Nasaf-Travel" компанияси томонидан мазкур лойиҳа талаблари асосида бинонинг мустаҳкамлиги таъминланиб, объектда лойиҳа асосида ички сувоқ ишлари бажарилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, объектни топшириш-қабул қилиш ва фойдаланиш учун рухсатнома бериш ишлари Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-қарорининг 6-иловаси билан тасдиқланган маъмурий регламент талабларига кўра лойиҳа ҳужжатларида белгиланган ишларнинг барчаси якунлангандан сўнг ваколатли идораларнинг ижобий хулосалари асосида амалга оширилади, дейилади жавоб хатида.

**«Халқ сўзи».**

**Андижон, Самарқанд, Фарғона ҳамда Тошкент шаҳридаги тиббиёт техникумларида ҳамшираларни тил ва касбий кўникмалар бўйича халқаро имтиҳонларга тайёрлайдиган махсус ўқув курслари очилади.**



# АГРАР ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

*Бугунги глобал иқлим ўзгаришлари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ янги талаблар аграр соҳада рақобатдошликни ошириш, инновацион ёндашувларни жорий қилиш ҳамда самарадорликни таъминлашни тақозо этмоқда. Шу маънода, мамлакатимизда халқаро стандартлар асосида креатив фикрлайдиган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланган.*

*Илм ва изланиш бўлмаган соҳада тараққиёт ҳам бўлмайди. Чунки бугун дунё тараққиёти рақобат, инновация ва технологиялар билан ўлчанмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигида илм-фанни ривожлантирмай туриб, юксак самара ҳамда натижаларга эришолмаймиз. Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг 11 апрелдаги "Тошкент давлат аграр университети фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз аграр таълими ва илм-фани ривожланишини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.*

**Нуқтаи назар**

## Анъанавий фаолиятдан агрохизматлар кўрсатиш тизимигача

Айтиш жоизки, ушбу қарордан кўзланган асосий мақсад, аввало, аграр таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, уни замонавий талаблар ва халқаро стандартлар асосида қайта ташкил этишдан иборат. Шу билан бирга, таълим, илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграцияни кучайтириш, талабаларнинг амалий кўникмаларини ошириш ва рақобатдош мутахассислар тайёрлашга қаратилган самарали механизмларни жорий этиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Айни пайтда ҳужжат ижроси доирасида аграр соҳада инновацион ёндашувларни кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиш ва уларни тижоратлаштириш орқали соҳанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш режалаштирилган. Таълим жараёнларини рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланиш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали миллий аграр таълим тизимини жаҳон таълим маконига интеграциялаш асосий йўналиш сифатида қабул қилинди.

Шубҳасиз, ушбу ислоҳотлар мамлакатимизда аграр соҳа кадрлари сифатини тубдан оширади. Яъни таълим жараёнида назарий билимлар билан бир қаторда амалий кўникмаларни шакллантиришга устувор аҳамият қаратилаётгани натижасида ёшлар замонавий техника ва технологиялар билан ишлашни бевосита ишлаб чиқариш жараёнлари билан уйғун ҳолда ўзлаштиради. Бу эса малакали мутахассислар тайёрлаш имкониятини янада кенгайтиради.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши натижасида университет фаолияти анъанавий таълим доирасидан чиқиб, агрохизматлар кўрсатиш тизими билан узвий боғланади. Ва таълим муассасаси фермер ва деҳқон хўжаликлари учун илмий асосланган маслаҳатлар, инновацион ечимлар тақдим этувчи муҳим агроилм ва инновация марказига айланади. Бу жараён қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижадорлигини кучайтириши билан алоҳида аҳамият касб этади.



Инновация ҳамда стартап экотизимини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам аграр соҳада янги босқични бошлаб беради. Ёшларнинг илмий ғоялари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни амалиётга жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтириш орқали соҳада тадбиркорлик муҳити шаклланиб, иқтисодий ўсиш суръатларининг ошишига замин яратилади.

## Кооперациянинг афзаллиги нимада?

Аграр соҳа учун рақобатдош кадрлар тайёрлаш фақат назария билан чекланиб қолмай, балки илмий изланишлар ва реал ишлаб чиқариш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқликни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий қилинган "аграр таълим — ишлаб чиқариш кооперацияси" аграр таълим тизимида узвийликни амалга ошириш, назария билан амалиёт интеграциясини кучайтириш, дуал таълим ва ёшлар бандлигини таъминлашга замин яратади.

"Аграр таълим — ишлаб чиқариш кооперацияси" доирасида академик лицей, қишлоқ хўжалиги техникумлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятда биттадан умумий ўрта таълим мактаблари фаолияти мувофиқлаштирилади. Мактабларда 7 — 11-синф ўқувчилари учун табиий фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш, махсус лабораториялар ташкил этилиши ўқувчиларда табиий фанларга қизиқишни орттириши, келгусида малакали кадрлар тайёрлаш учун мустаҳкам пойдевор яратиши билан аҳамиятлидир.

Кооперациянинг энг муҳим устунликларидан бири — ёшларни касбга тўғри йўналтириш. Шу мақсадда йўлга қўйилган "Дала кунлари" тадбирлари орқали ўқувчи ва талабалар бевосита қишлоқ хўжалиги майдонларида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларини яқиндан кузатади. Улар илғор агротехнологиялар ҳамда замонавий озиқ-овқат ишлаб чиқариш усуллари билан танишиб, назарий билимларини амалиёт билан бойитиш имкониятига эга бўлади.

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб университет ҳузуридаги Қибрай академик лицейида "Муҳандислик гуруҳи" ташкил этилади. Унда таълим жараёни 2 йиллик дастур асосида "STEM+HECI" модули бўйича йўлга қўйилади. Бу ўқувчиларда техник фикрлаш, инновацион ёндашув ва амалий кўникмаларни шакллантириш билан бирга ёш авлодда тежамкорлик, тасаввурни кенгайтириш ҳамда ахлоқий нормаларни тушунишга ёрдам беради.

2027/2028 ўқув йилидан эса академик лицейда халқаро "A-level" таълим дастури жорий этилиши режалаштирилмоқда. Бу борада "Cambridge Assessment International Education" ва "Pearson" каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, таълимнинг халқаро стандартлари жорий этилади ҳамда ўқувчиларга жаҳоннинг етакчи университетларига тўғридан-тўғри йўл очадиган халқаро даражадаги билим бериш имконияти яратилади.

Шунингдек, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб табиий фанлар йўналишида қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилади. Ушбу ташаббус доирасида Хитой, Туркия, Венгрия, Польшанинг илғор олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилади. Биология ва кимё йўналишида таҳсил олган ўқувчилар кейинчалик аграр соҳа бўйича етук мутахассис сифатида бакалавриат ва магистратура босқичларида таҳсилни давом эттириш имкониятига эга бўлади.

## Назарий билим ва амалий тажриба уйғунлиги

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, олий таълимда назария ва амалиёт бирлашган жойда самарадорлик бир неча баробар ортади. Ана шу тамойилга таянган ҳолда талабаларнинг билим ҳамда кўникмаларини ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлаш мақсадида дуал таълим тизими жорий этилмоқда.

Аграр университетнинг қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва агромуҳандислик таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун дуал таълим тизими жорий этилиши муҳим воқеа бўлди. Тошкент давлат аграр университети ва "Chirchiq Agro-Tech klaster" МЧЖ ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида дуал таълим дастури асосида бугунги кунда 75 нафар талаба "4+1" шаклида таълим олмоқда.

Мазкур ташаббус доирасида университет талабалари учун Чирчиқ шаҳридаги "Chirchiq Agro-Tech klaster"да назарий билим билан бирга ишлаб чиқариш муҳитида амалий тажриба тўплаш имконияти яратилди. Талабалар энг замонавий ишлаб чиқариш технологиялари ҳамда жиҳозлари билан ишлаш, мураккаб технологик жараёнларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган замонавий техникаларни яратиш жараёнида бевосита иштирок этмоқда. Шу билан бирга, талабаларнинг таълим олиши ҳамда ишлаши учун зарур барча шарт-шароитлар яратилди, улар транспорт, озиқ-овқат ва иш ҳақи билан таъминланмоқда.

Эътиборлиси, агросаноат ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан бу каби ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари янада кенгайтирилиб, университет томонидан ўндан ортиқ етакчи корхона ва ташкилотлар билан дуал таълим дастурлари йўлга қўйиляпти. Шу ўринда Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, шунингдек, "Leo Garden", "Agro Light Business", "Multi Flora", "Promeat", "Rozmetov" ҳамда "Safia Cafe & Bakery" каби ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари билан ҳамкорликни қайд этиш лозим.

Юқоридаги қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда аграр университетнинг лойиҳа офислари ташкил этилиши илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, ёшларнинг инновацион ғоя ҳамда стартапларини қўллаб-қувватлаш, илғор агротехнологияларни татбиқ қилишда олийгоҳ ҳамда амалиёт ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини бажаради.

## Янги авлод агрономлари

Яна бир муҳим жиҳат, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида "Янги агроном" дастури жорий этилмоқда. Ушбу тизим доирасида 2 ва 3-босқичдан изланувчан ва ташаббускор талабалар саралаб олиниб, амалиёт учун илғор фермер хўжаликларига бириктирилди.

"Янги агроном" тизимининг асосий вазифаси замонавий билим ва илмий изланишларга таянган, инновацион фикрлайдиган, янги навлар, интенсив технологиялар ва ресурс тежовчи ечимларни амалиётга татбиқ эта оладиган мутахассислар тайёрлашдан иборат. Бу жараёнда таълим кластери принципи устувор аҳамиятга эга бўлиб, "университет — илмий муассаса — фермер хўжалиги — кластер" ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Мазкур ташаббус орқали замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга янги авлод агрономлари шаклланади. Ҳосилдорлиги паст хўжаликларда илмий ёндашув кучайиб, самарадорликни ошириш бўйича аниқ тавсиялар жорий этилади. Шунингдек, сув тежовчи ва рақамли агротехнологиялар, қишлоқ хўжалигида сунъий интеллектдан фойдаланиш амалиёти кенгаяди. Натижада кластер ва фермерлар ўртасида илғор тажриба алмашинуви кучайиб, инновацион технологияларни қўллаётган хўжаликлар сони ортиб боради.

Аграр университет ҳузурида тузиладиган "Янги агрономларни тайёрлаш жамғармаси" ёшларнинг амалий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий ва инновацион лойиҳаларини молиялаштиришга хизмат қилади. У орқали талабалар ва ёш мутахассисларнинг илғор ғоялари рағбатлантирилиб, амалиётга тезкор жорий қилиниши учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Жамғарма маблағлари, аввало, талабаларнинг амалий кўникмаларини ошириш, тажриба-синов майдонларини ташкил этиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш ҳамда илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга интеграция қилишга йўналтирилади.

Бундай ёндашув натижасида "Янги агроном" тизимининг самарадорлиги ошиб, илмий билим ва амалий тажрибанинг узвий уйғунлигини таъминлайдиган самарали тизим шаклланади. Таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик орқали соҳага замонавий фикрлайдиган, рақобатбардош ва юқори малакали мутахассислар кириб келади.

**Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,**
**Тошкент давлат аграр университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

## 22 апрель — Халқаро Ер куни

*Осмонни сақланг, дўстлар,*
*Инсонни сақланг, дўстлар.*
*Шундай муаттар дилбар,*
*Замонни сақланг, дўстлар!..*

*Ушбу наво ҳар гал янграганда, қалбимизда беихтиёр масъулият туйғуси уйғонади. Гўё бу оҳанг фақат қўшиқ эмас, балки ҳар биримизга йўлланган даъват, виждонга қилинган мурожаатдек туюлади. Бугунги шиддатли замонда одамлар кўпинча рўзғор ташвишлари, иш-юмуш ва турли хизматлар ичида яшашга мажбур. Шу орада эса атроф-муҳит, табиат, осмон мусаффолигини асрашга эътибор четда қолаётгандек...*



# ОНА ЗАМИНГА ДАРЗ ЕТМАСИН

Аслида эса биз табиатнинг ажралмас бир қисми ҳисобланамиз. Демак, табиатга муносабат — ўзлигимизга муносабат билан чамбарчас боғлиқ. Ўзимиз туғилиб ўсган, киндик қонимиз томган табаррук заминни асраш, уни эъзозлаш энг муқаддас бурчимиздир. Зотан, бу замин ота-боболаримиздан қолган мерос. Улар ерни қадрлашни, дарахтларни авайлашни, қушларни асрашни, табиатга озор бермасликни ҳаёт қонуни деб билган. Сиртдан қараганда оддий ҳолдек туюлган бу аъмол юксак маънавият намунаси эканини, ана шу анъаналар бардавом бўлиши кераклигини барча чуқур англаб етмоғи ўта муҳим. Чунки келажак авлодга қандай табиат қолдиришимиз — бевосита ўз қўлимизда.

Дарҳақиқат, фарзандларимиз, ёш авлод онгига сингдиришимиз лозим бўлган энг муҳим ҳақиқат шу: она табиат — азиз, замин — муқаддас. Уларни асраш эса бурчгина эмас, инсонийликнинг ёрқин ифодасидир. Шу жиҳатдан 22 апрель санасида ана шу муаммоларга эътибор қаратилиб, турли мамлакатларда одамлар сайёрамиз ягоналигини ҳис этишга, она Ерни ҳимоя қилишга чорланади. Бундан кўзланган мақсад — ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, она заминни кўз қорачиғидек асраш ва атроф-муҳитни, табиатни безавол сақла.

Бугун биз яшаб турган Ер сайёраси пайдо бўлганига қарийб тўрт ярим миллиард йил бўлгани айтилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, Ернинг 29 фоиздан зиёди қуруқликни, қолган қисми денгиз ва океанларни ташкил этади. Иқлим ўзгариши, музликлар эриши ҳамда денгиз сатҳининг кўтарилиши, аномал иссиқ, озиқ-овқат хавфсизлиги ва танқислиги, қурғоқчилик, қишлоқ хўжалигидаги муаммолар шу қадар кўпайиб кетдики, бугун инсоният гўё боши берк кўчага кириб қолгандек.

Бу ташвишларнинг энг оғири йилига 4,7 миллион гектар ўрмонлар йўқоляпти. Ёки 12 миллион гектардан ортиқ экин ерлари жиддий деградацияга учрамоқда.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди, — дейди Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси бош мутахассиси Жавоҳир Абдураҳмонов. — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи 15 дан зиёд қонун, табиий ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш механизмлари ва шартлари, шунингдек, давлат экологик экспертизасини амалга ошириш, турли тоифадаги қўриқланадиган ҳудудларни ташкил қилиш ва уларда алоҳида фойдаланиш режимини ўрнатиш тартиб-тамойиллари ҳамда бошқа масалаларни белгилаб берган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бугун юзага келаётган глобал муаммоларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг доирасида ҳар йили 200 миллионга яқин кўчатлар экилиб, чўлланиш ва шамол эрозиясини камайтириш чоралари кўрилмоқда. Айниқса, Оролбўйи ҳудудида қарийб 2 млн. гектар майдонда шўрга чидамли ўсимликлардан яшил "қалқон"лар яратилаётгани энг хайрли ишлардан биридир. Хусусан, тўқайзорлар деградациясининг олдини олиш мақсадида Орол денгизининг қуриган тубига саксовул, черкез, қандим каби шўрга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар уруғи қадалаётгани барқарор экотизим яратишда муҳим қадам бўлаётир. Экологик ҳолатни яхшилаш борасидаги ишлар Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида янада кенг кўлам касб этяптики, бу, ўз навбатида, БМТ ва халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

— Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда, — дея фикрини давом эттиради Ж. Абдураҳмонов. — Тупроқнинг ифлосланишини назорат қилиш бўйича корхоналарнинг ифлослантирувчи манбаларидан намуналар олиниб, физик-кимёвий таҳлиллар ўтказилмоқда. Мамлакатимизда 3,5 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бузилган ерларнинг рекультивация қилиниши назоратга олинган. Республиканинг чўл, тоғолди ҳудудларида эрозияни ва ерлар деградацияга учрашининг олдини олиш учун 3 296 гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида мамлакатимиз ҳудудларида бу йил 267 млн. туп дарахт ва бута кўчатлари экилди.

Жорий йилда мамлакатимизда экологик барқарорликка эришиш, "яшил" иқтисодиётга ўтиш, тармоқ ва соҳаларнинг уйғун "яшил" трансформациясини амалга ошириш, иқлим ўзгаришига мослашиш, унинг оқибатларини юмшатиш ҳамда аҳолининг яшаш сифатини яхшилаш, иқтисодий ўсишнинг янги "яшил ривожланиш" моделини жорий этиш бўйича кўплаб муҳим вазифалар бажарилмоқда. Зотан, табиатга қаратилган эътибор замирида инсон қадрини улуғлашдек эзгу тамойил мужассам. Шундай экан, халқимизнинг фаровон ҳаёти, ризқ-рўзи манбаи ва мамлакатимиз иқтисодиёти ривожининг таянчи бўлган она еримизни асраб-авайлаш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уни турли салбий таъсирлардан муҳофаза қилиш шу юртда яшаётган ҳар бир юртдошимизнинг фуқаролик бурчига айланмоғи зарур.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**O'ZBEKISTON BADIIY AKADEMIYASI TASARRUFIDAGI RESPUBLIKA IXTISOSLASHTIRILGAN SAN'AT MAKTAB-INTERNATI MAKTAB-INTERNATI**

2026/2027 o'quv yiliga 2019-yilda tug'ilgan iqtidorli o'g'il va qizlarni tasviriy san'at va musiqa yo'nalishlari bo'yicha 1-sinfga rus va o'zbek tillarida o'qish hamda 5-sinfga o'zbek tilida o'qish uchun tanlov asosida o'qishga qabul qiladi.
Hujjatlar 2026-yil 1-iyundan 30-iyunga qadar quyidagi manzilda qabul qilinadi: 100152, Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 22-daha 1-"A"uy, RISMI.
Qabul imtihonlari 2026-yil 1-iyuldan boshlanadi.
Telefonlar: 71-274-92-21, 71-274-96-45.

РЕКЛАМА

**O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi**

**TOSHKENT TO'QIMACHILIK VA YENGIL SANOAT INSTITUTI**

vakant (bo'sh) professor-o'qituvchilar lavozimiga tanlov e'lon qiladi

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Tolali materiallarni dastlabki ishlash | dotsent |
| 2. | Mexanika muhandisligi | assistent |
| 3. | Mehnat muhofazasi va ekologiya | assistent |
| 4. | To'qimachilik matolari texnologiyasi | dotsent |
| 5. | Ipak va yigirish texnologiyasi | kafedra mudiri |
| | | professor |
| 6. | O'zbek va xorijiy tillar | assistent |
| 7. | Tikuv buyumlari texnologiyasi va raqamli injiniring | katta o'qituvchi |
| 8. | Moda va dizayn | assistent |
| | | professor |
| | | dotsent |
| | | assistent |
| 9. | Buxgalteriya hisobi va marketing | assistent |
| 10. | Iqtisodiyot va menejment | katta o'qituvchi |
| | | assistent |
| 11. | Ijtimoiy fanlar va jismoniy madaniyat | dotsent |
| | | katta o'qituvchi |
| 12. | Aniq va tabiiy fanlar | katta o'qituvchi |
| | | assistent |
| 13. | Qo'shma ta'lim dasturlarini muvofiqlashtiruvchi bo'limi Parij xalqaro moda akademiyasi (Fransiya AICP) | assistent |

Tanlovda ishtirok etishni xohlovchilar rektor nomiga ariza bilan kadrlarni hisobga olish bo'yicha shaxsiy varaqa, diplomlar va attestatlar nusxalari, ilmiy ishlar va ixtirolar ro'yxati, malaka oshirganlik to'g'risida hujjatlar nusxalarini topshiradi.

Arizalar e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddatda qabul qilinadi.

Eslatma: mazkur institutda ishlovchi shaxslar o'tgan muddat bo'yicha kafedrada hisobot beradi, tanlovda ishtirok etuvchilar sinov darslari o'tkazadi.

**Manzil: Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Shohjahon ko'chasi, 5-uy, 1-bino, 208-xona. Tel:. 371-253-17-78.**

**25 — 30 апрель кунлари Хива шаҳрида «Лазги» III халқаро рақс фестивали бўлиб ўтади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.13 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6